ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ШАХС КАТЕГОРИЯСИНИ ИФОДАЛОВЧИ СОДДА ҚЎШМА СЎЗЛАР ҲАМДА УЛАРНИ0 ЛЕКСИК-МОРФОЛОГИК САТҲЛАРДА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

И.С.СОЛИЕВ, М.А.АБДУВАЛИЕВ

В данной статье рассматриваются вопросы выражения категории лица в составе сложных слов английского и узбекского языков, а также классификация данных единиц по их существенным признакам.

The article deals with the issues of realization of the category of person in compound words of the English and Uzbek languages, as well as classification of the language units according to their relevant features.

Содда қўшма сўзларнинг хусусиятлари, қўлланиш кўлами, шаклланиш қонуниятлари каби муаммолар билан боғлиқ бўлган масалалар ўзбек тилшуносларидан академик А.Хожиев, Н.Маматов, Б.Мамадалиев, К.М.Мусаева ҳамда хорижлик таниқли тилшунослар А.М.Баль, А.Г. Хачер, Р.Б.Лиз, Г.Марчанд, Е.С.Кубрякова, И.П.Иванова, О.Д.Мешков, М.Д.Степанова, С.С.Хиддекель, Г.И.Чирковлар томонидан тадқиқ этилган бўлса-да, аммо қўшма сўзларнинг шахс маъносини ифодаловчи хусусиятлари ўрганилмаган.

Ушбу мақолада қўшма сўзларнинг шахс категориясини ифода этиш имкониятларини таҳлил қилишдан аввал қуйидаги муаммоларни эслатиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Булар қаторига: 1) қўшма сўзнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши 2) қўшма сўз билан сўз бирикмаларининг муносабати, 3) қўшма сўзлар таркибий қисмлари орасидаги муносабатлар, 4) қўшма сўзларнинг маънолари, 5) қўшма сўзларнинг тилнинг морфологик ва синтактик қурилмаси билан алоқаси, 6) қўшма сўзларда миллий хусусият, 7) қўшма сўзлар таснифи, 8) қўшма сўзларнинг қолипларини аниқлаш ва тасвирлаш кабилар киради.

А.И.Смирницкий, И.В.Арнольд, Г.Марчанд, Е.С.Кубрякова, Д.У.Ашурова, А.Хожиев, Н.Маматов, Б.Мамадалиев ва Р.Кверкларнинг қўшма сўзларга берган таърифу тавсифлари ҳар хил бўлса-да, уларнинг барчаси ягона ва умумий битта фикрни баён этадилар, яъни қўшма сўзлар деб у ёки бу тарзда бир бутун шаклланган, мустақил равишда қўлланиш мақомига эга бўлган барча қўшма, мураккаб сўзларга айтилади. Чунончи, сўз қурилмаси назарияси ва амалиёти учун қўшма сўз лексик бирлик бўлиб, нутқ жараёнида ўзининг тўлиқ шаклланганлиги асосида ажратиладиган ва икки ёки ундан ортиқ негизнинг бирикишидан хосил бўладиган сўзлардир.

Қўшма сўзлар сўз бирикмаларидан қуйидаги уч хил (фонетик, орфографик ва морфологик) белгилар ёрдамида фарқланади: 1) фонетик белгисига қараб, яъни қўшма сўзларда бириктирувчи урғу борлиги ва у барча сўз бирикмаларига тенг тушиши билан; 2) орфографик (ёзув) белгиси, яъни а) қўшма сўзларнинг алоҳида ёзилиши, б) бир-бири билан қўшиб ёзилиши, в) чизиқча (дефис) орқали ёзилиши.

Ҳақиқатан ҳам инглиз тилида ушбу учала (а, б, в) орфографик тур мавжуд бўлиб, улардан алоҳида тузилган қўшма сўзлар кам учрайди, қолган икки тури эса биринчисига нисбатан кўпроқ учрайдиган ва ишлатиладиган турлар ҳисобланади. Баъзи ҳолатларда айнан битта қўшма сўзнинг ўзи ҳам алоҳида, ҳам қўшилиб ёки чизиқча (дефис) орқали ёзилиши мумкин. Масалан, cat bird; catbird; cat-bird ёки ҳатто қурилма тизими бир хил сўзлар ҳам ҳар хил ёзилиши мумкин: schoolmaster; puppet master; nursemaid; laundry-maid; airdresser; wisky-drinker ва ҳоказолар.

Юқорида кўриб чиқилган ҳолат ўзбек тилига ҳам хос хусусиятдир. Ўзбек тилида ҳам ажратиб алоҳида ёзиладиган қўшма сўзларга нисбатан қўшиб ёзиладиган қўшма сўз турлари кўпроқ учрайди. Масалан: бободеҳқон, бобокалон, бойбобо (бойбува), қайнона, қайнисингил, оппоқойим, муштумзўр ва ҳоказолар. Ўзбек тилида инглиз тилига нисбатан чизиқча (дефис) орқали ёзиладиган қўшма сўз турлари кўпроқ учрайди ва ишлатилади: ота-она, опа-сингил, ака-ука, қўни-қўшни, тоға-жиян, амма-хола, дўст-душман, келин-куёв ва бошқалар. Ўзбек тилида айнан битта сўзнинг ўзи уч хил кўринишда ёзилиши мумкин. Масалан, бақалоқ Даллолов (алоҳида ёзилган), Даллолов-бақалоқ (чизиқча орқали), Даллолов бақалоқ (алоҳида лекин сўз таркиби ўзгариши билан). Биринчи ва учинчи ҳолатнинг бирликлари сўз бирикмалари бўлиб келса, иккинчи ҳолатдагиси эса қўшма сўздир. Бинобарин, инглиз тилида ҳам шундай ми-

соллар бор: silk seat, sea spray, velvet jacket, sea water, taxi door, gold room, travel document, geography teacher, English teacher ва ҳоказоларнинг иштирокчилари алоҳида ёзилади, аммо баъзиларидан ташқарисини, ҳатто улар: sun-shirt, land-reform, landlord каби қўшма сўзларга ўхшаб S_1+S_2 қолипига тўғри келганда ҳам, қўшма сўзлар деб атаб бўлмайди. Айнан юқорида келтирилган сўз бирикмалари ҳам ушбу қолипга эга, масалан, sea water, valvet jacket, French teacher S_1+S_2.

Қўшма сўзларнинг қўшилиб ёзилиши билан чизиқча орқали ёзилишини ҳамда ажратиб, алоҳида ёзилиш белгисини фарқлаймиз. Морфологик белги асосида қўшма сўзлар бир неча туб асосларни бир яхлит бирликка бириктириш йўли билан икки, уч ёки ундан ортиқроқ негизларни бир-бирига қўшиш натижасида ҳосил бўлади. Қўшма сўзларнинг морфологик таркибини ташкил этувчи негизлар, В.Д.Аракиннинг таъкидлашича, бир-бири билан оддий туб сўзларнинг ҳеч қандай ўзгаришсиз қўшилиши натижасида юзага келади. Масалан: оқсоқол, соҳибжамол, ойимтилла, сарвқомат, бойдада, қорбобо ва бошқалар. Юқорида зикр этилган қўшма сўзлар иштирокчиларининг жойлаштирилиши ҳам типологик қурилмаларнинг хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Ҳар бир тилда қўшма сўзларнинг ўзига хос турлари мавжуд бўлиб, улар турлича тасниф этилади. Масалан, Л.Блумфильд барча қўшма сўзларни синтактик ва асинтактик гуруҳларга бўлади. Биринчи гуруҳга синтактик сўз бирикмаларидаги каби иштирокчилари бирин-кетин келган қўшма сўзлар киради, масалан, a blackbird, иккинчи гуруҳни эса иштирокчилари берилган тилнинг синтаксисига мос келмайдиган қўшма сўзлар ташкил қилади: man-made каби.

И.В.Арнольд қўшма сўзларни тасниф этишда қўшилиш турига ва боғланувчи элементига, сўз туркумига қараб, семантик белгисини ҳамда идиоматик қўшма сўзларни инобатга олишни тавсия этади. Шунга кўра И.В.Арнольд қуйидаги тўртта тур қўшма сўзларни фарқлайди: 1) оддий негиздан ташкил топган қўшма сўзлар: film-star, 2) иштирокчиларидан бири ясама ўзакка эга бўлган қўшма сўзлар: chain-smoker 3) иштирокчиларидан бири қисқартма бўлган қўшма сўзлар: math-mistress, 4) иштирокчиларидан бири муркаб бўлган қўшма сўзлар waste-paper basket ва бошқалар.

В.Д.Аракин эса қуйидаги таснифни таклиф этади: 1) компонентлари сонига қараб, 2) ўзаро мослашишни ҳисобга олган ҳолда иштирокчиларнинг қўшилиш услубига қараб, 3) қўшма сўз қисмлари орасидаги синтактик муносабат (предикатлик, атрибутивлик, объектлик) га қараб, 4) биринчи ва иккинчи иштирокчининг ўрнига (препозиция ёки постпозиция)га кўра амалга оширилади.

Ўзбек тилида қўшма сўз синтактик усулда ясалганда ҳеч қандай қўшимча олмасдан ўзгаришсиз, тўғридан-тўғри ясалади. Сўз бирикмаларининг иштирокчилари бўлган бир яхлит бутунликка кирувчи сўзлар ўзининг алоҳида сўзлик хусусиятини йўқотади: чаласовод, оқсоч, ичкуёв, бойтоға ва бошқалар.

Синтактик-морфологик усулда эса қўшма сўзлар сўз бирикмаларига сўз ясовчи аффиксларни қўшиш орқали ясалади: юзмингчи, миллионча, мингкилограммчи, бешмингчи ва ҳоказолар.

Морфологик усулда қўшма сўзлар икки ўзакнинг қўшилишидан ясалади. Ўзак, академик А.Ҳожиевнинг тавсифи бўйича, сўз эмас, балки морфемадир, чунончи, ўзакли морфемалар ёрдамида ясалган сўзлар морфологик усул билан ясалган қўшма сўзлар деб аталади. Масалан, бошпана, парёстиқ, олибсотар, ўзиқайнар, осмонўпар ва бошқалар.

Қўшма сўзлар ясалишнинг морфологик турига Б.Мамадалиев темирйўлчи, қоракўлчилик, асаларичилик, бешмингчи каби қўшма сўзларни киритади. Бундай қўшма сўзлар инглиз тилида ясама қўшма сўзлар деб ном олган: foregoer, backyarder ва ҳоказолар.

Ҳозирги замон тилшунослигида “Ясама қўшма сўз” атамаси мавжуд. А.И.Смирницкий ясама қўшма сўзни содда қўшма сўзнинг бир кўриниши сифатида ажратиб талқин қилган. Тадқиқотлар жараёнида ясама қўшма сўзларнинг 350 тасини аниқладик. Улардан 155 таси тайёр ҳолдаги to babysit => baby-sitter энагалик каби қўшма сўзнинг асосидан ясалган. Бундай ясалманинг тури туркий тилларга, жумладан ўзбек тилига ҳам хосдир: қўшнай – қўшнайчи, чойхона – чойхоначи, асалари-асаларичи ва бошқалар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қўшма сўзларни икки турга ажратамиз: 1) фақатгина туб сўзлардан ясалган қўшма сўзлар, 2) ясама қўшма сўзлар.

Биринчи гуруҳга кирувчи қўшма сўзларни биз икки ва ундан ортиқ туб сўзлар деб атаймиз. Масалан, оқсоқол, бобокалон, оқбилакойим, Тошмирза ва ҳоказо.

Иккинчи гуруҳ ясама қўшма сўзларни охирги иштирокчиси сўз ясовчи суффиксни олган ёки қўшма сўз асосига шахс ифодаловчи суффикс қўшилган бирлик деб тушунамиз. Масалан, house-holder, type-writer, fire-fighter ва бошқалар. Ўзбек тилидаги ўринбосар, бойвачча, ҳарбий-денгизчи, ишбузар, асаларичи, электр-пайвандчи, оттақаловчи, авиадесантчи, отбоқар ва бошқалар. Демак, содда қўшма сўзлар ва ясама қўшма сўзларнинг

шахс маъносини англатиши иккала қиёслана-ётган тилларга хос ҳам экан:

Инглиз тилида қўшма сўзлар уларни ташкил қилувчи иштирокчиларнинг сонига кўра икки ёки уч асосли бўлиб келиши мумкин: third-hand, pick-lock, barflyer ва бошқалар.

Қўшма сўзларнинг биринчи тури икки асосли бўлиб, улар ҳар иккала таҳлил этилаётган тилларда, қўшилиш тизимида салмоқли ўринга эга ҳамда бу хусусият қўшма сўзларнинг лингво-типологик жиҳатдан иккала тилда ҳам асосий бирлик деб ҳисобланишидан далолат беради.

Қўшма сўзларнинг икки асосли тури қуйидаги тўртта кичик гуруҳларга бўлинади: 1) мослашув билан келган кичик тур. Қўшма сўзларнинг ушбу кичик тури қўшма сўзлар типологияси тизимида ҳар хил жойлайтириш қолипларига эга бўлса-да, иккала ўрганилаётган тилларда жуда кенг тарқалган. Инглиз ва ўзбек тилларида қўшма сўзларнинг иштирокчилари бу кичик турда бир морфемали асосларда ўз аксини топган: banana-ошқовоқ калла, left-back-чап ҳимоячи, ship-wright – кема устаси, swift-foot – яхши чопқир, rear-admiral – контрадмирал, келинпошша, ватангадо, оғаини, молдўхтири ва бошқалар. Қўшма сўзларнинг бу тури қуйидаги кўринишларга эга бўлиши мумкин: 1) инглиз тилидаги биринчи иштирокчининг қўшилиш жойида ёки иккинчи иштирокчининг бошланишида сўзларнинг асослари ҳеч қандай морфологик ва фонетик ўзгаришларсиз қўшиладиган сўзларда: pick-pocket – чўнтаккесар, sea-cock – денгиз қароқчиси, horse-leach – молдўхтири, machine-gun – тезкор, серҳаракат киши. Ушбу қолипга атоқли отларни ҳам киритиш мумкин: Bloom-field, Golfreld, Longfellow, Robinhood ва ҳоказолар. Бунга ўхшаш атоқли отлар ўзбек тилида ҳам мавжуд: Тошпўлат, Оятилла, Темурбек, Содиқбой, Раҳматилло, Юсуфҳожи ва бошқалар; 2) боғловчи морфема билан келган кичик тур. Бу тур инглиз тилида қуйидаги бирликларни ўз ичига олади: sportsman – спортчи, statesman – давлат арбоби, spokesman – вакил, нотиқ. Аммо инглиз тилида бу қолипнниг ўлчови чегараланганлиги туфайли уни инглиз тили сўз қурилишининг лингво-типологик таснифини таҳлил қилишда ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ эмас. Ўзбек тилида эса бу кичик тур сўз ясалиши тизимида умуман йўқ; 3) ёрдамчи сўзлар билан келган кичик тур. Бу турдаги қўшма сўзлар боғловчи ёрдамида ҳосил бўлган қуйидаги лексик бирликка айланган сўз бирикмаларини ўз ичига олади: skin-and-blister – опа, attorney-at-law – оқловчи, stay-at-home – уйдан чиқмайдиган киши, father-in-law – қайнота, brother-in-law – почча ва бошқалар.

Ушбу турга яна график асосда ясалган қўшма сўзларнинг ҳосилаларини ҳам киритиш мақсадга мувофиқдир: Jack-o-lantern=›Jack-of-lantern – оддий киши, халқ орасидан чиққан киши, light-o-love=›light-of-love – енгил табиатли аёл ва ҳоказолар. Буларнинг баъзилари ўзларининг ҳосилаларига эга: Jack-a-dandy=›a dandy Jack - денди, шеголь, фронт, Jack-a-lent=›a lent Jack – оддий киши, slug-a-bed=›a bed slug – уйқучи ва бошқалар; 4) бош ҳарфлари ва уларнинг алмашиши билан ясаладиган кичик тур ўзгартириш асосида ясаладиган сўзлар деб таъкидланган. Бу фикрнинг унчалик тўлиқ эмаслиги таҳлилимиз жараёнида аниқланди. Масалан, қўшма сўзлар бўлмиш huff-snuff – аразчи, “шамол киши” икки мустақил тўлиқ маънога эга бўлган ҳамда маъноси жиҳатидан бир-бирига яқин сўзлар бўлиб, шахснинг (одамнинг) ташқи кўринишини ва хулқини ифодалаб келяпти: huff (V) сўзи ҳафа бўлмоқ, аччиғи чиқмоқ, отилиб кетмоқ маъноларига эга, snuff (Vn) сўзи эса аччиғидан, ғазабидан қалтираб кетмоқ каби маъноларни ифодалайди. Ўз навбатида бу маънолар у ёки бу шахсни (одамни) тавсифлашда бир-бирига қўшилиб, умумий маънони, яъни “тезда ёниб, тутаб кетадиган, ҳафа бўладиган” шахснинг (одамнинг) ҳолатини кўрсатиб келмоқда. Чунончи, бу ҳолни яна бошқа мисолларда кузатиш мумкин: humpty-dumpty нинг ҳосиласи humpy-dumpy бўлиб, у икки мустақил сўздан ташкил топган: humpty – букри, dumpty – пакана, семиз букри киши каби умумий маъноларга эга. Ёки kickie-wickie сўзлари ҳам икки асосдан тузилиб, kick – жанжал қилмоқ, тўполон қилмоқ; wicked – асаби бузилган, заҳар, тезоб каби маъноларни ифодалайди. Бу иккала маъно бирикиб, кўпроқ умумий “заҳар, жанжалкаш, тезоб” маънолари билан кўп ҳолларда аёлларга хос хусусиятни тасвирлаб келади. Баъзан эса ҳазил шаклида “хотинчам” маъносида ҳам ишлатилади. Унинг ҳосиласи kickey-wikey ёки tittle-tattle бўлиб, бу ерда tittle сўзи шивирлаб гапирмоқ, tattle иғво қилмоқ, умумий маъноси эса “сергап, иғвогар”дир.

Уильям Литтл юқоридагича усулда қўшма сўз ясалишини редупликация деб атайди. Баъзан эса уларнинг келиб чиқиши номаълум эканлигини таъкидлайди: huff (V) snuff (V), humpty-dumpty, – t-triff-raff=› and raff сўз бирикмасидан ҳосил бўлган деган фикрни илгари сурди. Бунга қўшимча қилиб hump and dump эски француз тилидаги riff ot raff дан келиб чиққанлигини исботламоқчи бўлади. Аммо бу турдаги сўзларнинг барчаси, бизнингча, стилитик жиҳатдан бўёқли сўзлар бўлиб, ҳис-ҳаяжонни ифодалаб келяпти ва улар оғзаки нутқ услубига мансубдир. С.Ульмотанинг фикрича, бундай сўзларнинг мотивацияси фонетик мотивация-

нинг бир кўринишидир. Аммо бизнинг таҳлиларимиз мотивация қўшма сўз иштирокчилари маъноларидан келиб чиқаётганини кўрсатди: whip-per-snapper ҳосиласи snipper-snapper.

Whipper сўзи отлашган whip – тез ҳаракат қилиш, чаққонлик маъноларини ифодаловчи мавҳум от асосидан суффиксли қолип негизида ясалган ва инглиз тилида sprightly or impertinent young fellow маъносини берган. Ўзбек тилида эса унинг қуйидаги ҳосилалари мавжуд: қўпол, тоқатсиз, сур, эпчил, серғайрат ёш киши.

Бу турдаги қўшма сўзларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган хусусиятларидан ташқари яна кўп маънолилик хусусияти бўлиб, уларнинг баъзилари оз миқдорда бўлса-да ўзларнинг синонимларига эга. Масалан, hocus=› pocus=›hocus; trickster; hodd-hoddy =›hodman dod, dodman; bumty-dumpty=›humpty-dumpy; kickie-wickie=›kicksey-wicksey ва бошқалар.

Шундай қилиб, бу турдаги қўшма сўзларнинг сони 15 тани ташкил этди. Булардан 11 тасининг мотивацияси тикланди, 4 таси эса мотивациялашмади. Шахс маъносига эга бўлган қўшма сўзларнинг бу тури билан бир қаторда луғат бойлигида мавҳум маъноси билан сифат ва равишларни ифода этувчи сўзлар ҳам мавжуд: hush-hush сирли, хуфёна hurdy-gurdy торли мусиқа асбоби, hurry-scurry уятли, шошилинч, тезоб.

Бундай сўзлар қуйидаги қолипларда намоён бўлади: 1. V+V=› huff, poly-poly. 2. N+N=› shell-snail, hocus-pocus. 3. Adj+ Adj=› humpty-dumpty, hoddy-doddy. 4. Num+N=› riff-raff.

Қўшма сўзнинг бу тури ўзбек тилида ҳам мавжуд. Масалан: қурт-пурт, нон-пон, чой-пой, атала-патала, маслаҳат-паслаҳат, калит-палит, сув-пув, қоп-моп, овқат-повқат ва ҳоказо. Ўзбек тилида бу тур қўшма сўзнинг алоҳида тури ҳисобланади ва такрорий қўшма сўзлар деб юритилади. Аммо бу турдаги қўшма сўзлар шахс маъносини ифодаламайди ва адабий ёзма нутқда ҳам учрамайди. Ваҳоланки, ушбу қолип остида домла-помла, китоб-митоб, ҳайдовчи-пайдовчи каби сўзлар ҳам бўлиши мумкин эди, шу сабабдан булар ўзларининг типологик таҳлилига ҳам эга эмаслар. Бизнинг фикримизча, бу турдаги қўшма сўзлар кўпроқ сўзлашув нутқида, шеваларда учраб туради.

Инглиз тилидан фарқли ўлароқ, ўзбек тилидаги қўшма сўзларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1) “жуфт сўзлар” деб аталувчи иборалар. Улар келиб чиқиши тарихига кўра боғловчи сўз бирикмалари асосида тузилган: ака-ука=› ака билан ука, ота-бола=› ота ва бола, ота билан бола, чол-кампир=› чол ва кампир, чол билан кампир, опа-сингил=› опа ва сингил, опа билан сингил, келин-куёв=› келин ва куёв, келин билан куёв ва ҳоказолар. Бунда сўзларнинг кўпчилиги кўплик ва жамловчи маъноларга эга: ёр-биродар, ёр-дўст, йигит-яланг, ёш-қари ва бошқалар. Бу турдаги қўшма сўзлар инглиз тилига хос эмас; 2) қўшма-қисқартма сўзлар. Агар бу турдаги сўзларни соф ўзбек тили нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, у ҳолда шахс маъносини ифодаловчи сўзлар ўзбек тилига хос эмас. Аммо ўзбек ёзувчиларининг асарларида, ўзбек тилидаги ойнома ва рўзномаларда шахс маъносини ифодаловчи русча-байналминал қўшма сўзларни учратамиз, улар ҳозирча ўзбек тили луғат бойлигида салмоқли ўринни эгаллайди: ветврач, завхоз, проректор, завотдел ва бошқалар. Бундай қўшма қисқартма сўзларда иштирокчилардан биттаси ёки иккитаси қисқартма. Масалан: замдиректор, завлаборатория, медсестра, медбрат, завзал кабиларда биринчи иштирокчиси қисқартирилган; главбух, завхоз, завмаг ва ҳоказоларда иккала иштирокчи ҳам қисқартирилган. Шундай қилиб, биз қўшма сўзларнинг ҳар хил ва ўзига хос шахс маъноси ифодаланган турларини кўриб чиқдик.

Таҳлилларимиз натижасига кўра қўшма сўзлар, қандай фарқлар ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлишидан қатъий назар, иккала ўрганилаётган тилларда ягона қолипга эга: S1+S2 (асос1+асос2). Лекин қиёсланаётган тилларда улар турлича намоён бўлишини кузатдик:

№	Қўшма сўзларнинг икки асосли тури	Инглиз тилида	Ўзбек тили
1.	Мослашув билан келган кичик тур (1+2)	+	+
2.	Сўз ясовчи морфема билан келган кичик тур (1+2)	(+)	-
3.	Ёрдамчи сўзлар ёрдами билан қўшилган кичик тур (1+2)	+	-
4.	Бош ундошнинг ўзгариши билан келган кичик тур (1+2)	+	$(+/-)^2$
5.	Жуфт сўзлар (1+2)	-	+
6.	Қўшма қисқартма сўзлар (1+2)	-	+

Шахс маъносини англатувчи қўшма сўзлар иштирокчиларининг синтактик алоқасини аниқлаш энг қийин ва муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

В.А.Аракин қўшма сўз иштирокчилари орасидаги синтактик алоқани уч гуруҳга бўлади: 1) предикатив (қўшма от кесимининг от қисми) турдаги феълнинг от қисми билан ҳарактерланади: sunshine=› the sun shines; 2) аниқловчи алоқа билан ифоланади: goldfish, schoolhouse; 3) тўлдирувчили алоқа билан ифодаланади: bloodtest=› to test the blood ва бошқалар.

Иштирокчилари тўлдирувчи алоқасида бўлган қўшма сўзларнинг бош (етакчи) иштирокчиси олдинда ҳам, кейин ҳам келиши мумкин: pick-lock =›to pick the lock, pick, pick-pocket=›to pick the pocket, house hold=›to hold the house, barkeep=›to keep the bar etc.

Шундай қилиб, инглиз тилида мослашув орқали тузилган шахс маъносини англатувчи қўшма сўзлар қобиғида уч тур синтактик алоқа мавжуд: 1) тўлдирувчили боғланиш алоқаси, 2) ҳолли боғланиш алоқаси, 3) аниқловчили боғланиш алоқаси.

Ўзбек тилида ҳам инглиз тилидаги каби қораёғди, бўрибосди сўзлари умумий ҳолда кесимнинг от қисмига эга. Шунинг билан бирга, қўшма отлар инглиз тилига хос бўлган атоқли отлар (феъл кесимнинг от қисми) предикатив боғланишга (алоқага) эга: Раҳмонберди, Худойберди, Қаримберди ва ҳоказо. Бундай ҳолатда ўзбек тилидаги қўшма атоқли отлар N+V қолипини ташкил қилади: Хўжакелди, Оллоберган ёки N+pple=›Худоберган (от+сифатдош).

Ўзбек тилида шахс маъносини англатувчи қўшма сўзлар қобиғининг айнан шу тури асос-морфема тўлдирувчили хусусиятга эга бўлган шаклда учрамади. Демак, инглиз ва ўзбек тилларида барча икки асосли содда қўшма сўзлар иштирокчиларининг синтактик-типологик алоқасини қуйидагича ифодалаш мумкин:

№	Алоқа усуллари	Инглиз тили	Ўзбек тили
1.	Предикатив алоқа	(+/-)	+
2.	Тўлдирувчи алоқа	(+)	(+/-)
3.	Аниқловчи алоқа	+	+
4.	Ҳолли алоқа	+	-

Ясалган қўшма сўзларнинг, умуман шахс маъносини англатган икки асосий сўзнинг қолипларини яратиш, ўрганилаётган тилларнинг қўшма сўзлар тизимидаги бирдан-бир типологик таснифи ҳисобланади.

Шундай қилиб, биз таҳлил жараёнида икки асосли қўшма сўзларнинг қуйидагича қолипларини аниқладик:

№	Қолиплар	Инглиз тили мисоллари	Ўзбек тили мисоллари
1.	N+N	Deck-hand-матрос Shop-girl –сотувчи қиз	+ куёвбола, келинбола
2.	Adj+N	light-weight ўрта оғирликдаги одам freemason – кўнгилли ғишт терувчи	+ оқсоқол, оқсоч
3.	V+N	Pick-pocket – чўнтаккесар	-
4.	V+Adv	Go between ўртамчи standfast – ишончли одам	-
5.	N+V	House hold-уй эгаси	+Каримберди, Хўжакелди
6.	Num+N	Third hand –ўртамчи	-
7.	Adv+N	Cut-cast-қувилган	-
8.	Ger+N	Pudding heart қўрқоқ	-
9.	N+Adj	Sister-german қондош сингил	-
10.	PRL+N	Leading mechanic-бош механик Leading lawyer – етакчи оқловчи	-

Инглиз тилида уч ва ундан ортиқ компонентли қўшма сўзлар қуйидаги қолипларга эга:

№	Қолиплар	Мисоллар
1.	N+N+N	secret-service-agent ҳизмат агенти
2.	Adj+N+N	fresh-water-sailor тажрибасиз денгизчи
3.	V+V+V	might-have-been омадсиз
4.	Adv+V+Adv	Never+do+well ҳеч нарсага ярамайдиган киши
5.	V+Prn+Adv+N	Reach+me-down+tailor тайёр кийимлар дўкони эгаси

6.	N+Adj+N	Lord-Hight-Chancellor олий канцлер лорди
7.	Num+N+art+N+N	One-dollar-ayear-man йирик капиталист
8.	N+and+N+N	Rad-and-bone-man латта жинниси, қаричилик

Демак қиёсланаётган тиллар қўшма сўзлар борасида изоморф, алломорф ва ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб, ушбу жиҳатларни махсус тадқиқот мавзуси сифатида ўрганиш умумий ва хусусий тилшуносликнинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Аракин В.Д. Сравнительная типология английского и русского языков.- М., 1979.
2. Арнольд И.В. Семантическая структура слова в современном английском языке и методы ее исследования.- Л., 1966.- С. 71-72.
3. Блумфильд Л. Язык.- М., 1968.- С. 249
4..Мадалиев Б. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма сўзлар.- Т., 1966.
5. Смирницкий А.И. Морфология английского языка.- М., 1959.- С.361
6. Ҳожиев А. Ўзбек тилида сўз ясалиши.- Т., 1989.- Б.120

Андижон давлат университети,
2012 йил 17 апрелда қабул қилинган
(Тақризчи: проф.Ш.Шаҳобиддинова)